

YOSHLAR OVOZI

Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессияси "Қабул — 2018: шаффофлик, ҳалоллик, адолат мезонлари ва инновацион ёндашув" мавзусига бағишланиб, унда 2018 - 2019 йилларда олий ўқув юртларига қабул жараёни ва имтиҳонларга тайёргарлик жараёни таҳлими қилинди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта ректорларнинг жамоатчиликка муурожаати йўланди.

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕКТОРЛАРИНИНГ АБИТУРИЕНТЛАР, УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИГА МУРОЖААТИ

Ўзининг қўҳна ва қадим тарихига, боқий миллий қадриятларига эга бўлган мамлакатимиз яқин ва узоқ давлатлар билан ўзаро ҳамкорликда янги тамнадун босқичига қадам қўйди. Бу эзу ишда буюк адабимиз Абдулла Авлоний сўзлари билан айтадиган бўлсак, "таълим ва тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё наҳот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласи"га айланди.

Президентимизнинг шахсий ташаббуслари ва улкан саяё-ҳаракатлари билан бугун таълим тизими бутунлай янгилаштирилди.

Биз — кўп сонли ректорлар таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, унга илгор инновацион ғояларни олиб кириш, ёшларнинг истеъодларини намоён этишлари учун етарлича шарт-шароитлар яратиб бериш билан биргаликда соҳа ривожига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ва замонавий таълимнинг оёғига кишан бўлиб турган иллат — порахўрлик ва таъмағирликнинг олдини олиш, ҳар ишда ҳалол ва виждонан йўл тутиш, олий таълим муассасаларини ҳақиқий маънодаги маърифат ва ҳалоллик масканига айлантириш, шунингдек, бу йилги қабул жараёнини шаффоф, адолатли ва ҳалол ўтказишга ваъда берамиз.

Ҳурматли абитуриентлар!

Ватанимиз, халқимиз ва Президентимиз Сизларга катта умид билан қараб турибди. Сизлар бизнинг келажагимиз. Ҳар соҳада мамлакатимиз раванқининг кафолати саналасиз.

Кўрапсизки, ёшларнинг илм-фан ва касб-ҳунар сирларини эгаллашлари учун юртимизда барча шарт-шароитлар муҳайё қилиб берилмоқда. Бугун ўзингиз учун касб танлаб, ўқишга киришга аҳд қилдингизми, ўз билимингизга, ақл-заковатингизга ва сизларга шу шароитларни яратиб берган Президент ишончига муносиб бўлинг ва муносиб иш қилинг. Кириш имтиҳонларига, тест синовларига пухта тайёргарлик кўриб, бу имтиҳонлардан ўз билимингиз билан ўтишга бел боғланг.

Азиз ота-оналар! Ҳаммамиз учун фарзанд — азиз, унинг қамолини кўриш эса асл орзуимиздир. Бугун замон

ўзгармоқда. Ёшларнинг, илм даргоҳларига ҳалол ва пок киришлари учун кенг имкониятлар эшиги очиб берилди. Афсуски, товланчилар ва фирибгарларнинг дунёқарашини ўзгартиришга қаратаётган ҳар бир инсоннинг ўзи ҳамон эскича ўй-хаёлларда, мўмай ва қинғир йўллар билан даромад топиш илминини юрибди. Уларнинг тузоғига илмини қолманг.

Халқимизда "қарсикки қўлдан чиқади" деган нақл бор. "Коррупция тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли бандларига кўра пора берган ҳам, пора олган ҳам қонун олдида тенг жавобгар саналади ва муқаррар жазога тортилади. Фаразандингизга ёрдам берман десангиз, ноўрин ва пинҳона хатти-ҳаракатларга йўл қўйманг! Бу йўлдаги ноҳўра қадам билингки, кун ўтиб бир кун болалигиз келажаги учун қаттиқ зарба бўлиши мумкин. Бир ҳақиқатни унутманг! Пора билан ўқишга кирган инсон, бутун ҳаёти давомида шу пулни қайтариб ишлаб олиш ҳаракатида бўлади. У ўқитувчиси ёки шифокор, масъул мутасаддими ёки олий ишчи, бундан қатъий назар, олдида келган ҳар бир инсонга "товар" сифатида қарайди ва ундан доимо таъма килади. Таъма билан сугорилмаган қалбада эса яхшилик уруғи унмайди. Таъма ва пора занжирини қабул жараёнидаёқ узайлик! Токи, у бошқа ниш урмасин! Фарзандларимиз қўлида занжир бўлиб, уларни панжара ортига бошламасин!

Бугун замон шиддат билан олдинга қараб кетаётган, глобаллашув жараёнида бутун дунёни қамраб олаётган, ҳаммамнинг нигоҳи ёшлар тақдирига қаратилган бир пайтада муҳтарам Президентимиз ва давлатимиз томонидан қучли ва адолатли таълим-тарбия тизими яратиб берилмоқда. Ҳамма гап буни тўғри аниқлаш, Ватан ва халқ олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилган ҳолда, ягона мақсад ва ғоя атрофида бирлашишдир. Бу ғоя эса адолат ва тинчликка, тенглик ва қардошликка асосланган Мустақиллик, Ватан равнақи ва Ўзбекистон ғоясидир!

Унга содиқ қолиш ва биргаликда ҳаракат қилиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Шундагина биз Президентимиз, халқимиз ва давлатимизнинг ишончини оқлаган бўламиз.

BIR MUROJAAT IZIDAN

ХЎЖАКЎРСИНГА БЕРИЛГАН АРАВАЧА



Тахририятимизга Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Махфират Қўлдошева муурожаат қилди. Унинг айтишича, 23 ёшли ўғли Достонбек 1 гуруҳ ногирони, мустақил ҳаракатлана олмайдди. Оиланинг ногиронлик аравачасини сотиб олишга қурби етмагани боис, қумак сўраб, ўтган йилнинг февралда Ўзбекистон Республикаси

Президентининг виртуал қабулхонасига хат йўлаганди. Муурожаат март ойида қаноатлантирилди. Таасуфки, шаҳар тиббиёт бирлашмаси томонидан эҳтиёжманд оилга носоз ва яроқсиз ногиронлар аравачаси тақдим этилган. Вазиятни атрофича ўрганиш мақсадида Махфират опанинг хонадонига бордик. Разани кўча-

сига кириб борарканмиз, йўлда учраган деярли барча уйларнинг аҳволи аянчли эканига гувоҳ бўлдик. Аён бўлдики, бу ерда яшовчи аҳолининг муаммолари талайгина.

Эшик қоқдик. Бизни хонадон бекаси қарши олди. Сўхбат асносида оилда уч жон истиқомат қилиши, Махфират Қўлдошеванинг турмуш ўртоғи ҳам касалманд бўлгани учун ишломаслиги, ёлғиз аёл фаррошлик қилиб рўзгор тебратётгани аёнлашди. Ушбу масала юзасидан Бухоро вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Жамол Носировга муурожаат қилдик. Шу куннинг ўзидаёқ Достонга янги ногиронлар аравачаси етказиб берилди.

Ҳа, ҳар ким ўз вазифасини расмиётчилик ёки ҳисобот учун эмас, балки шиддат билан одамларга яхшилик истаб бажарса, қанчадан-қанча муаммолар газак отмай ҳал бўлиши аниқ.

Лайло ҲАЙИТОВА

MUNOSABAT

МАЪНАВИЙ ЕТУК РАҲБАРГИНА СЎЗИНИНГ УСТИДАН ЧИҚАДИ

Кунни кеча Президентимиз раислигида умумий ўрта таълим тизimini ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишни катта ҳаяжон билан кузатдим.

Шу ўринда охириги йилларда таълим соҳасининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ислоҳ этишга қаратилган фармон ва қарорлар қабул қилинганини мамнуният билан эътироф этишни хоҳлардим. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 сентябрдаги қарорига мувофиқ, Халқ таълими вазирлигининг бошқарув тизimini такомиллаштирилди. Яқинда вазирлик раҳбариятида ҳам ўзгаришлар бўлди, ўқув-тарбия жараёнига илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқитувчиларнинг жамияттаги маъқени юксалтириш орқали таълим сифатини ошириш бўйича

кўплаб вазифалар қўйилди. Йиғилишда уларнинг ижроси ўрганилиб, келгуси режалар белгиланди.

Айниқса, таълим тизимидаги барча муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ таклифлар берилганидан жуда руҳландим. Ўқитувчилар ҳам энди имтиёзли кредитга автомашинани сотиб олиши, уй-жойга эга бўлиши, яқинлари кам фозили кредит олиб, тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин. Мухими, педагогларни йиллар давомида қийнаб келаётган ортиқча қорғозликка барҳам берилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарларига қўйилган талабларни қайта қўриб чиқиш масаласи ҳам таълим муассасаси раҳбарлари зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Ҳақиқий бошқарувчилик қобилиятига эга кадрлар раҳбарлик вазифасига тайинласа,

сўзсиз, мактабларда ички жамоавий назорат тизими яхшиланади. Бу эса, ўз навбатида, таълим сифатини оширади. Чунки маънавий етуқ раҳбаргина сўзининг устидан чиқади. Шу ўринда раҳбар сифатида ўзим ва берган ваъдаларимга ишонаётган қоракўз ўқувчиларим кўз олдимида намоён бўлди.

Мактабларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича бир неча давлат дастури қабул қилинган бўлишига қарамай, кўпгина таълим муассасалари таъмирталаб ҳўвода қолётгани аниқ ҳақиқат. Энди мана шу каби муаммолар ечим топади. Инчунин, яқин йилларда мактабимизда таълим муассасасида спорт, маънавий ва фаоллар заллари қурилишидан умидворман.

Азиза БОЙМУРОДОВА,
Каттақўрғон туманидаги
28-умумтаълим
мактаби директори

ITTIFOQ KAFILLIGI OSTIDA

ОНА КЎЗИДАГИ ҚУВОНЧНИ КЎРИБ...

Ҳаётда ҳамма ҳам адашди. Мухими, хатоларни тан олиб, унглинишга ҳаракат қилмоқ доркор. Шунда жамият сени яна ўз бағрига қабул қилади, қамол топишинг учун шароит яратлади.

Бухоролик 28 баҳорни қаршилаган Лазиз Абдуллаев, афсуски, нафс кутқусига берилиб, йўлдан адашди — жиноят кўчасига қадам қўйди.

Осон ва тез бойиш пайида ўғрилликка қўл урган йигит қилмиши ошкор бўлган, маълум вақт ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан қочиб юрди. Аммо жиноятга жазо муқаррар. Саккиз ой давом этган суришти-

рув ва тергов ишларидан кейин, айбланувчи суд олдида қилмишлари учун жавоб берди.

Лазиз Абдуллаев Жиноят кодексининг 169-моддаси 2- ва 3-қисмига қўра айбдор деб топилди. Гулдек умрнинг шу зайлда хазон бўлиши киши кўнглини гаш қилади. На илож, ўзиндан чиққан балого, қайга борарсан давога, дейди донолар. Лазиз ҳам жиноят содир этганидан минг пушаймон бўлса-да, олдинда уни қамок жазоси кўтаётганини яхши англади.

Хайриятки, бахтига Ёшлар иттифоқи бор экан. Оғир даъво ташкилот уни суяди, янги имконият тўхта эди. Лазизнинг ой-

лада ёлғиз фарзанд экани, муқаддам судлангани ва ноҳўра хатти-ҳаракат содир этмагани, асосийси, айбига чин дилдан икромлиги инobatга олинди, Иттифоқнинг Бухоро вилояти кенгаши кафилиги асосида суд залидан озод этилди.

Ўғрилликка қўл урганга қарамастан, Ёшлар иттифоқи мени қўлаб-қувватлади, — дейди тенглошимиз. — Онамнинг кўзидаги қувончни кўриб, мамлакатимизда шундай ташкилот борлигини хурсанд бўлдим. Меҳрибон Юртбошимизга ҳам мингдан-миг раҳмат дейман!

Бехўда НЕЪМАТОВ

ESHITDINGIZMI?

ИМТИҲОН ТРАНСЛЯЦИЯ ҚИЛИНДИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Ахборот коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабнинг 5-синфига кириш имтиҳонлари онлайн тарзда намойиш этилди.

Пойтахтимиздаги "Ўзқўрғазмасавло" мажмуасида кечган жараёни бошидан-охиригача live.inha.uz веб-саҳифаси орқали кузатиб бориш мумкин эди.



МАМЛАКАТИМИЗДА ИЛК БОР



"Фан тўғрисида"ги қонун қабул қилинади. Унинг лойиҳаси жорий йил февралда халқ муҳокамасига қўйилган. Ҳужжатга "олимининг ҳуқуқий мақоми", деган янги тушунча ҳам киритилмоқда.

РЕЙТИНГДА ИККИНЧИ БЎЛДИК

Дунёда нуфузли саналмиш "Lonely Planet" нашри Осиёда саёҳат қилиш учун энг яхши жойлар рўйхатида биринчи мартада Ўзбекистонни ҳам киритди. Эътиборлиси, маъкур рейтингда биз Таиланд, Ҳиндистон, Япония, Непал, Шри-Ланка, Хитой, Индонезия каби туризм соҳаси гигантларини ортада қолириб, Жанубий Кореядан кейинги ўринни эгалладик.



РОССИЯ ЯНА БИР ФИЛИАЛИНИ ОЧЯПТИ




2019/2020 ўқув йилидан Тошкент шаҳрида Россиянинг Миллий ядро тадқиқотлари университети (МИФИ) филиали-иш бошлайди. Унда ядро энергетикаси ва иссиқлик физикаси тармоқларида фаолият кўрсата оладиган замонавий муҳандис-техник кадрлар тайёрланади.

Ўз ахборотимиз.

TAQDIMOT

КЕРАКЛИ, ФОЙДАЛИ, ТАЛАБГА МОС

Пойтахтимизда "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган "Маънолар маъзани" ва "Ёш раҳбар энциклопедик лугати" китоблари тақдимоти бўлиб ўтди.



"Маънолар маъзани"да ҳикматли сўз ҳамда мақоллар шарҳланган. Ушбу китоб замонавий ўқувчининг маънавий оламини бойитишига хизмат қилса, ажаб эмас.

"Ёш раҳбар энциклопедик лугати" эса, бўлгуси лидерлар учун ниҳоятда фойдали қўлланма бўлишига шубҳа қилмаймиз. Унда ёш раҳбар ўз фаолиятида дуч келиши мумкин бўлган турли соҳаларга оид атамалар жамланиб, ҳар бирига изоҳ келтирилган.

— Раҳбар қўл остидаги ходимларга иш буюрувчи шахсина эмас, — дейди филология фанлари доктори Узоқ Жўрақулов. — У қолганлардан бир поғона юқори туриши лозим. Шундагина намунага



айлана олади. Фикримча, "Ёш раҳбар энциклопедик лугати"ни тор аудиторияга мўлжалланган адабиёт деб бўлмайди. Бу китоб барчага бирдек керакли. Сабаби ота-она фарзанди, ўқитувчи ўқувчилари учун маълум маънода раҳбар саналади.

Маъмура
ХЎЖАҚУЛОВА

JARAYON

ТАРОЗИНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИДА ҲАМ ТАҚДИР ЁТАДИ



Санжар ЭШМУРОДОВ

Ёшлар иттифоқи ҳамда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида “Ўзбекистонда вояга етмаганларни одил судлов қилиш (ювенал адлия) тизимини ислоҳ қилишнинг амалдаги ҳолати ва истиқболлари” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда кейинги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар муҳокама қилинди.

Даъватвал ЮНИСЕФнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Афшан Хан сўзга чиқиб, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон тажрибасига ижобий баҳо берди. Ҳуқуқбузарлик содир этган ўсмирларни суд қилиш жараёнида уларнинг ҳақ-ҳуқуқларига устувор аҳамият қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Ёш ҳуқуқшунослар

кенгаши бош мутахассиси Шарофиддин Хонимов ўз маърузасида Ёшлар иттифоқи Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан меморандум имзолаганини эслатди. Шунга мувофиқ, адашиб жиноят йўлига кирган ва қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган 333 нафар йигит-қиз Иттифоқнинг кафилиги асосида суд залиданоқ озодликка чиқарилиди. Ташкилот уларни ишга

жойлаштириш чораларини кўраётгани, айниқса, эътиборлидир.

Тадбирда Судьялар олий кенгаши ҳузуридagi Одил судлов муаммолари



P. НАЗАРМАТОВ

рени ўрганиш тадқиқот маркази вакили Ш.Йўлдошев ва яна бир қанча мутасадди ташкилот вакиллари ҳам фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

— Адолат тарозисининг икки палласини бирдек ушлаб туриш қийин, — дейди Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ раҳбари Акмал Саидов. — Шу нуқтаи назардан ҳуқуқбузарлик ёки жиноятга қўл урган

вояга етмаганларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ўз-ўзидан долзарб саналади. Бугунги анжуманда халқаро стандартларга таяниб, одил судлов тизимини ислоҳ қилиш имкониятларини муҳокама қилдик. БМТ, ЮНИСЕФ вакиллари ва бошқа иштирокчилар томонидан ўртага ташланган гоёлар соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этади, деган умиддаман.

HOKIM VA YOSHLAR

Шавкат КАРОМОВ

“Ҳоким ва ёшлар” учрашувининг навбатдагиси Ғузурда ташкил этилди. Туман ҳокими Облоёр Боймиров йигит-қизлар билан эркин руҳда мулоқот қилиб, фикр-истаклари ҳамда таклифларини тинглади.

ҒУЗУРДА ЯНГИ КИНОТЕАТР ҚУРИЛАДИ

Қўлгина ёшлар тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида имтиёзли кредитлар, ишлаб чиқариш учун бино ва ер олиш юзасидан ҳокимга мурожаат қилди. Олис қишлоқларда тикувчилик сехлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, китоб дўконлари қуриш, кутубхоналар ташкил этишга доир ташаббуслар ҳам ўртага ташланди. Айрим тенгдошларимизнинг лойиҳалари “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси ҳисобидан молиялаштиришга тавсия этилди.

Шундан сўнг О.Боймиров

учрашув иштирокчиларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берди. Тез орада туман марказидаги маданият уйида янги кинотеатр ва кутубхона ташкил этилишини айтди. Шунингдек, ҳудуд миқёсида “Энг яхши китобхона”, “Энг яхши кутубхона” кўрик-танловлари ўтказилиб, голиблар муносиб тақдирлашнинг лойиҳалари “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси ҳисобидан молиялаштиришга тавсия этилди.

Тадбир якунида фаол ёшларга туман ҳокимлиги томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

BUGUNNING GAPI



ёхуд “Ўзбек почтаси” қачон талабга жавоб беради?!

Улар айтётган ўша катта пул бор-йўли 800 минг сўм! Ҳайрон қолишим. Бундан чиқди, омонатинг етиб келишини пайлаб умринг ўтиб кетар экан-да! Мақола газетанда чоп этилгач, керакли маблағ дарҳол топилганини айтмайсизми. Қажрамоним

ўзида йўқ хурсанд. Таасуфки, орадан бир ҳафта ўтиб ўша ҳол яна такрорланди. Бу сафар кечикиш нақ 12 кунни ташкил қилган. Эшитиб, ичимдан зил кетдим. Чунки бугун давлатимиз одамларни рози қилиш мақсадида қуйиб-пишмоқда.

Мени эса, бир савол уйлантиради: нега Президент айтсагина нимадир ўзгариши керак?! Шахсий ташаббус кўрсатиб, халқ оғирини енгил қилишни раҳбарларимиз қачон ўрганади?! Навбатдаги мақолани ёзар эканман, “Ўзбек почта-

Шаҳноза ХОЛИҚОВА

Бир танишим унга Ургут туманидан почта орқали юборилган пулни орадан бир ҳафта ўтиб олгани ҳақида вилоят газетасига ёзганим. Мақолани тайёрлаш жараёнида ҳудудий почта бўлимига телефон қилиб, вазиятни ойдинлаштиришга уриндим. Аввалига жўяли жавоб бўлмади. Кейин идоралагилар туман ва шаҳар почталарида катта пул йўқлигини баҳона қилди.

си” аҳолига қай даражада тез, қулай ва сифатли хизмат кўрсатаётгани ҳақида баъзи ҳамюртларимизнинг фикри билан қизиқдим.

— Почта орқали пул жўнатгандан кўра, таксидан бериб юборганим минг чандон афзал, — дейди З.А.

— Ижодкорман. Мен ҳамкорлик қиладиган нашрлар почта орқали гонорар юборади. Аммо пулларни олиш учун икки ҳафта ва ундан ҳам ортиқ вақт кутишга тўғри келади. Бир неча бор почтачилар билан “сан-манга” бориб қолганмиз. Бефойда. Охири, банкда транзит пластик карточка очдим. Энг қулайи шу экан, — дейди Н.Ю.

Нахотки миллионлаб одамларнинг ҳолатбарорига айлангани керак бўлган тизимда ҳали-бери ижобий ўзгаришлар кузатилмас?! “Ўзбек почтаси” қачон талабга жавоб беради?! Бу каби саволларга мутасаддилардан тезкор жавоб кутиб қоламиз.

TASHABBUS

ФАРҒОНАДА “ЁШ ТАДБИРКОРЛАР КЛУБИ” ОЧИЛДИ

Дилдора САЛИМОВА

Ёшлар иттифоқининг ҳуудий кенгаши, вилоят иқтисодий суди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳамкорлигида ташкил этилган клуб йигит-қизларни тадбиркорликка жалб қилишга хизмат қилади.

Ҳар ойда бир март ўтказилган клуб мажлисларига малакали мутахассисларни таклиф этиш кўзда тутилган.

Тузилманинг биринчи йиғилиши Риштон туманида бўлиб ўтди. Унда Олтиариқ, Бағлоа ва Риштон туманларида фаолият юритаётган



ёш тадбиркорлар соҳа мутасаддилари билан учрашди. Тадбирда “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ва уларнинг

ижроси юзасидан қилинаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Ёшларга тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари, ҳужжат юритиш ишлари, меҳнат муноса-

батлари бўйича керакли маълумотлар берилди. Йиғилиш давомида иштирокчилар уларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

MUTAXASSIS OGOH ETADI

ТИЛСИЗ ЁВДАН ЭҲТИЁТ БЎЛ!

К.БОЙНАЗАРОВ, “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи ёнги хавфсизлиги бошқармаси инспектори, сержант

Ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари мунтазам равишда аҳоли билан учрашиб, ёнги хавфсизлиги қоидалари юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад одамларда ёнги хавфсизлиги қарши курашиш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

Тилсиз ёвни бартараф этиш фақат ёнги хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифасига кирмайди. Бу масалага ҳар қайси фуқаро ўзини масъул деб ҳисоблаши керак. Юртошларимиз, аввало, газ

ва электр асбобларини соз ҳолда тутиши, қўлбола ясалганидан фойдаланмаслиги зарур. Ҳамиша огоҳ бўлсак, ўзимиз, яқинларимиз, уй-жой ва мол-мулкимизни эҳтиёт қилган бўламиз.

IMKONIYAT

Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ

Ёшлар иттифоқининг Богот тумани кенгаши “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида меҳнат ярмаркасини ташкил этди.

ИЗЛАГАН ИШИНИ ТОПДИ



“Истиқлол” истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбир доирасида олий ўқув юртлири, касб-хунар коллежлари битирувчилари, шунингдек, вақтинча ишсиз бўлган ёшлар ҳудуддаги 101 корхона ва ташкилотда мавжуд 416 та бўш иш ўрини билан танишди.

— Ўтган йили Тош-

кент ахборот технологиялари университетини иқтисодиёт ва менежмент мутахассислиги бўйича тамомлаганмиз, — дейди Деҳқонбозор қишлоғидаги Узумзор шаҳарчасида истикомат қилувчи Жалолиддин Латифжонов. — Бу галги меҳнат ярмаркаси мен учун омади келди. Ўзим

хоҳлагандек иш топдим. Тез орада туман тиббиёт бирлашмасида иқтисодчи сифатида фаолият кўрсата бошлайман. Шунингдек, меҳнат шартномасини туздик. Маоши ҳам менга маъқул. Тадбирни ўтказишга бош бўлган Ўзбекистон ёшлар иттифоқида алоҳида ташаккур.

AKS-SADO

ЧИЛИМ ВА ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТАЛАРГА ЖАВОБИМИЗ АНИҚ

2 июль куни юртимизда “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. У уч ойдан сўнг кучга кириши керак. Жамият ҳаётида ўта муҳим аҳамият касб этувчи мазкур ҳужжатга доир айрим саволлар билан ҳуқуқшунос Хуршид РАВШАНОВга мурожаат қилдик.

— Ёшлар янгиликка ўч бўлиб, бошқалардан бир қадам олинганда юришни истайди, — дейди мутахассис. — Масалан, аксарият йигит-қизлар замонавий телефони була туриб, ундан-да янги сони олгиси келади. Электрон сигарета ва чилим ҳам худди шундай — эътиборни ўзига жалб қилади. Оқибати эса, ҳаммамизга аён.

Юртимизда электрон сигареталар унча омаллашмаган. Лекин ҳозирча шун-

дай. Томошабин бўлиб ўтираверсак, вазият баттарлашади. “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарурати шу билан изоҳланди. У фуқароларни чилим ва электрон сигареталар чекишининг зарари, ижтимоий оқибатларидан муҳофаза этиш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилиши керак.

— Электрон сигарета ва чилим реклама-сига доир ҳам чоралар кўриладими? — Албатта. Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, нафақат чилим ва электрон сигареталарни реклама қилиш, балки уларни олиш мумкин бўлган жой тўғрисида маълумот тарқатиш ҳам мумкин эмас. Яна бир муҳим жиҳат: чилим ва электрон сигарета чекишни тарғиб этиш, уларни истемол қилишнинг зарарсизлиги

ҳақидаги тасаввурни шакллантирувчи гоёлар ҳамда бадий образларни очиб ёки яширин тарқатиш ҳам тақиқланади.

— Жамоат жойларида чилим ёки электрон сигареталар чекилмаслигини ким назорат қилади?

— Мазкур мажбурият корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек, жамоат жойларида жойлашган турли объектлар раҳбарлари зиммасига юкланган. Улар кўзга ташланганидан жойлар, жумладан, биналар (хоналар)га кирверишда чилим ҳамда электрон сигареталар чекишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги огоҳлантирувчи лавҳани илши шарт. Қолаверса, ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда ички ишлар органларига хабар бериш ҳам талаб қилинади.

Боборавшан
ҒОЗИДИНОВ
ёзиб олди.

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA



Ж.ВАФОВЕВ

тиб, болалар беланчагию шкафигача ишлаб чиқаряпмиз. Кунига унтагача тайёр маҳсулот маҳаллий бозорга етказилмоқда.

— Яна денг, ҳу ана у жойда пеноблок, плитка ва брусчатка тўқамиз. Хомашёси узимизники, технология четдан олиб келинган. Аслида мазкур турдаги фаолиятни 2015 йилда бошлаганман. Аммо жой танқислиги боис, ишни тўхтатишга тўғри келганди. Қурилиш материалларига талаб ҳеч қачон камаймайди. Сифатли бўлса, харидорини бир зумда топиб кетишига шубҳа йўқ. Мақтанишга йўйманг-у, лекин маҳсулотимиз чиндан ҳам бозорғир. Қўл-қўлга тегмайди. Қўшимча ишчи кучига зориқиб қолдик.

Шу маҳал суҳбатга Робия Бозорова қўшилди. “Ўғилларим тадбиркорлик ортидан мамлакатга шунча фойда келтираётганидан астойдил қувонган Қахрамон Қуранбаев туманда бўш турган иморатлардан бирини ихтиёрийимизга бепул топшириш бўйича ҳам кўрсатма берганди, — дейди онахон. — Гап ерда қолиб кетмади. Бизга юқумли касалликлар шифонасининг эски биноси ажратилди. Таъмирлаш ишларини якунига етказяпмиз. Икки қаватли ва тўлиқ жиҳозланган корхона ишга тушса, юзтагача иш ўрнини яратишимиз мумкин. Қолаверса, болалар қоляскаси учун керакли ҳамма деталлар (жами ўттизта)ни ишлаб чиқаришга имкон туғилади. Ҳозирча бунинг учун иккита дастгоҳ етишмаяпти, холос”.

Таъмирланаётган бинони кўздан кеҳирамиз. Қурувчилар эртаю кеч хизматда. Тўғри-да, объектнинг тезроқ битгани яхши. Ахир, одамлар тўйхона ёки савдо дўкони эмас, бутун боши корхонани очаман, деб маҳтал бўлиб турибди-ку.

Кўз ўнгимизда Робия ая, турмуш ўртоғи Азимжон ака Бозоров, ўғиллари бирма-бир гавадланди. Бор-йўғи беш жондан иборат оиланинг неча юз минг аҳолиси бор Норин тумани, э, қўйингчи, миллионлаб фуқаро истиқомат қилаётган мамлакатга қанчалик наф келтираётганини хаёлда чамалаб, шу заҳматқаш юрдошларимизга тасанно айтдик. Ҳа, инсон истаса, тонни ҳам толқон қилар экан. Давлатнинг ишончини қозониш учун эса, бундай баҳодирлик кўрсатмоқ шарт эмас. Мақсадни тўғри қўйиб, ҳалол меҳнат қилмоққа белни маҳкам боғлашинг ўзи кифоя.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



“DRESDNER WOCHЕ” ДАН ЮКСАК БАҲО

Германия матбуоти юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни катта қизиқиш билан ёритмоқда. Буни охириги вақтда бир қатор нуфузли нашрларда чоп этилган мақолалар таҳлили ҳам кўрсатади.

Масалан, “Dresdner Woche” электрон газетаси Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига эътибор қаратган. Нашрнинг ёзишчи, “дунёнинг турли бурчакларидан одамлар туя қарвонлари орқали Ипак йўли бўйлаб саёҳат қилган пайтадەқ Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари халқаро

савдо марказлари сифатида шўҳрат қозониб, илм-фан ва маданият ривожига хизмат қилиб келган. Ўзбекистонга ташриф буюрувчи сайёҳлар ҳозир ҳам “Минг бир кеча” туркумидаги эртақлар оламинга шўнғиши мумкин”.

“Dresdner Woche” ўз ўқувчиларига юртимизда сақланиб қолган осори

атиқалар билан танишиш асносида дунё тамаддуни ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Мухаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улўғбек сингари даҳо аждодаларимиз ҳақида қимматли маълумотга ҳам эга бўлиш мумкинлиги ҳақида эслатади.

ТОҒНИ ТОЛҚОН ҚИЛМАНГ, АДБИРКОР БЎЛИНГ

Наргиза УМАРОВА

Баъзи ёшларнинг иш йўқ, дея ялтоқланиб ётиши ёки бирон танишининг қоп-қоп ваъдасига учиб, ўйламай-нетмай дарров чет элга чопқиллаб кетишини кўриб ранжийсан, киши. Ахир, давлатимиз шу ўғил-қизларни билимми, эл қорига ярайдиган мутахассис қилиш учун озмунча жон қойитмоқдами. Арзимаган қийинчиликка чидалмай, Ватанини ёмонотлиқ қилишдан тап тортмайдиган, жарақ-жарақ пул берган нияти бузуқларга қуллуқ қилиб, ногорасига ўйнайдиган каслар ҳеч жойда барака топмаслиги аниқ. Хайриятки орамизда тиришқоқлиги, субути меҳнати билан ўша кимсаарини чангида қолдираётган инсонлар оз эмас.



қўлим ёғоч кесиш, рандалаш ишларига бинойидек келишарди. Муस्ताқиллик даврида улғайдим. Шу вақт мобайнида Ўзбекистон кўз ўнгимда анчайин юксалди. Узоққа бормай, она қишлоғим, ҳатто ўзим истиқомат қилаётган маҳаллада ҳар кун қандайдир янгилик рўй берапти. Ҳаммаси яхшиликка! Одамлар-чи, улар ҳам ўзгармоқда. Аввалгидай олма пиш, озимга туш дегувчилар энди саноқчи. Тўғри, боқимандалик иллатидан ҳали тўлиқ қутулганимиз йўқ. Ҳарқалай, бир жойда қотиб турмаяпмиз-ку, ижобий томонга силжиш бор.

— Оиламиздан қиёс, — давом этади ёш хунарман, — бир йил олдин, цех очишга жой бўлмагани сабаб буюртмаларни ҳовлида қисиниб-қимтиниб бажарардик. Бир ёқдан мебель жиҳозлари, тагин мамлакатимизда талаб

жуда ҳам катта бўлган болалар қоляскаларини ишлаб чиқаришни бошламоқчимиз. Аммо шароит ҳалигидай — пана бермоқда. Мана, бу йили туманимизда ёшлар муаммоларини ўрганиш ишлари олиб борилди. Президентимизнинг Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раиси Қахрамон Қуранбаев туман прокурори, ҳокимлик вакиллари ва бошқа мутасаддилар ҳамроҳлигида уйимизга келиб, аҳволни кўрди. Мен бизнес режаларим ҳақида сўзлаб бердим. Қахрамон ака масалани бир пасда ҳал қилиб берди. Очиги, ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Маҳалладан сал нарироқда оилавий тадбиркорлик билан шугулланишимиз учун 8 сотих ер ажратилди. Ҳозир тўрт нафар шоғирдим билан йигирма хилдаги мебель жиҳозлари — ошхона гарнитуридан тор-

Робия Бозорова билан Наманганнинг Норинида танишгандик. Аянинг уч нафар ўғли бор. Бари хунарман. Ота касбини давом эттириб бешиксоз уста бўлиб етишган. Кенжаси — Анваржон акаларидан-да эпчилроқ бўлиб чиқди. Юртимизда тадбиркорлик қилишга яратилаётган кенг имкониётлардан унумли фойдаланиб, “Норин қалдирғочи” оилавий корхонасига янги нафас олиб кирди.



YOZ — 2018

Ҳасан УСМОНОВ

МАРОҚЛИ ТАЪТИЛ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАТИР

Бу йилги ёз қайноқ ҳарорати билан силлани куриртмоқда. Шу пайт оромгоҳларда дам олаётган болажонларга ҳавасинг келади. Ушбу масканлар укасингиларимизнинг жонига оро киритиш баробарида, ҳар кун мазмунли ўтишига хизмат қилаётир. Биз пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 259-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган “Камалак” кундузги оромгоҳида бўлдик.



Муаллиф олган сурат

Айни пайтада муассасага 92 нафардан ортиқ ўқувчи жалб қилинган. Улар учун кутубхона, спорт майдончалари, турли тўгараклар фаолият кўрсатяпти. Деярли ҳар кун “Ёз ўтмоқда соз”, “Табиатни асранг”, “Китоб — билим хазинаси”, “Обод маҳаллам”, “Беғубор болалигим” каби мавзуларда маъ-

навий-маърифий тадбирлар ташкил қилинмоқда. — Бу ерда маза қилиб дам оляпман, — дейди Азиза Абдуҳакимова. — Оромгоҳда барча қулайликлар бор. Тонгни бадантарбия билан бошлаймиз. Кейин кун тартиби бўйича бирин-кетин машғулотлар бошланади. Вақт қандай ўтганини билмай қоламан ҳатто.

“Камалак”дан ёшлар иттифоқи фаолларининг-да қадами узилмайди. Улар ранг-баранг лойиҳа ва танловлар орқали ўғил-қизларга аъло кайфият бағишлаш баробарида, иқтидор соҳибларини рағбатлантириб ҳам келмоқда. Шунингдек, ҳафта давомида болалар музей, кинотеатр ва хиёбонларга олиб борилади.

“ACQUA & SAPONE” КЎПКАРИНИНГ ДУНЁДА ЎХШАШИ ЙЎҚЛИГИНИ АЙТДИ

Италияда 120 минг нусхада чоп этилувчи “Acqua & Sapone” журналида асрий қадриятимиз — кўпқарига бағишланган таҳлилий материал чоп этилди.

“Кўпқари” — дунёда ўхшаши йўқ от мусобақаси” деб номланган мақола машҳур фотожодокор ҳамда Туристтик фотогафлар уюшмаси (“Fotografico Viaggi”) президенти Роберто Габриеле томонидан тайёрланган.

Муаллиф охириги икки йил мобайнида Ўзбекистонга уч бора келгани ва

ҳар сафар ўзгача таассуротлар билан ватанига қайтиб кетганини айтади. “Аксарият одамлар бу мамлакат ҳатто қаерда жойлашганини билмайди, — деб ёзади у. — Кўпчилик мактабда Марко Полонинг Ипак йўли билан боғлиқ хотираларини ўрганган бўлса-да, бироқ у Римдан Пекингача босиб

ўтган 12 минг километрик йўлнинг бир қисми Ўзбекистон орқали ўтганидан ҳам бебабар бўлса, ажаб эмас”.

Р.Габриеле кўпқари миллий спорт турини Наврўз байрамида Самарқанд яқинида кузатгани ҳақида ёзиб, унинг қоида ва талаблари хусусида ҳам тўхталган.

“Дунё” материаллари асосида тайёрланди.

KITOB JAVONINGIZGA

EZGULIKKA CHORLOV

Bahridin TOSHEV

G'avvos ummonga qancha chuqur sho'ng'isa, shuncha ko'p va sof durlar topadi. Milliy adabiyotimiz ham ummonga o'xshaydi. Uni o'qib-o'rganganing sari bebaho in'ju gavharlarga duch kelaveradi. XVIII asr oxiri va XIX asr boshida yashab ijod etgan zullinisonayn shoir Abdushukur Shukuriy tuzgan "Devon" o'zbek adabiyoti xazinasidan munosib o'rin egallashga loyiq asardir.



Sobira Jo'raeva tomonidan Shukuriyning "Devon"i ilk bor chuqur tadqiq etilib, nashrga tayyorlandi hamda adabiyot ilxosmandlariga havola etildi. Shukuriy ijodida insonparvarlik, halollik, kamtarinlik fazilatlarini ulug'lanadi. Shoir Fuzuliy, Bedil, Navoiy kabi so'z

zargarlarini o'ziga ustoz deb bilgan. Ularning adabiy merosidan ilhomlangan. Xususan, Alisher Navoiyga bog'lagan payravida shunday yozadi:

*Pok jisming jurm ila nopok bo'lsa, tavba qil,
Tavba bir kone durur,
murdorni qilg'ay halol,
Ya'ni, "agar biron gunoh sabab jismingni, qalbingni nopok qilib qo'ysang, tavba qil. Zero, tavba murdor — harom bo'lganni halol qiladigan qondir".* Shoir inson xatolarini doimo tan olib, kechirim so'rashi lozimligini uqirtmoqchi. Mana bu baytda esa, ezgulikka chorlov bor:

*Yaxshilik ila bo'lsang der ahli zamon "yaxshi",
El yaxshi desa dermish Xalqoqi jahon "yaxshi".* Shoir aytmoqchiki, agar doim ezgu ishlar bilan mashg'ul bo'lsang, ahli zamon seni yaxshi deydi. Bilginki, el shunday baho bergan insonni butun borliqning Egasi ham suyadi. Shukuriy o'z "Devon"ida Navoiy, Bobur va Fuzuliy kabi mumtoz shoirlar ijodidagi ma'nolarni jamlab, yangicha talqin etgani alohida e'tiborga molik jihattir. Klassik

adabiyotimizning azaliy mavzusi bo'lgan Haqqa yetish va Unga bo'lgan muhabbatni tarannum etadi. Salafilar ijodini o'z zamondoshlariga sodda va xalqchil tilda yetkazib berishga urinadi. Uning "Ko'ngul g'unchadek tah batah qon erur, Chu bulbul ishim ohu afg'on erur" (Abdushukur Shukuriy. Devon. 164-bet. "Navro'z" nashryoti. 2018 yil) baytini o'qib, Boburning: "Mening ko'nglumki, gul g'unchasidek tah batah qondur" misrasi yodingizga tushishi turgan gap.

Yana shunday baytni ham o'qiydiz: *Necha achchig' ayladim andin vafo shahdin tilab,
Voykim, ul ashkdin topti jafa nahli kamol.* Shukuriy qo'llagan tashbehlari o'quvchini hayratlantiradi. Lirik qahramon yoridan vafo tilab, ko'z yosh to'kadi. Ammo yor ko'ngli yumshash o'rni jafa niholi baravj unadi. "Devon"dagi har bir misrani o'qish va uqish lozim. Shundaygina Abdushukur Shukuriyning ichki olamini teran anglash, ul zotning adab maktabida saboq olishingiz mumkin.

MUALLIMNING OSHSA MAOSHI, QARANG, QOTAR KIMLARNING BOSHI.



She'r-tasvir muallifi: Jahongir MIRZO.


ENSİKLOPEDİK MA'LUMOT



Hashar — jamoa ishtirokida o'tadigan qadimgi an'ana. Uning umumxalq hashari, jamoa hashari, qo'shnilarning o'zaro hashari degan turlari mavjud. Qo'shnilarning

o'zaro hashari qadimiy udumlardandir. Bunday hashar ko'pincha dala ishlari, uy qurish, hovli devorini ko'tarishda, to'y-hasharlarda keng qo'llangan. Hasharga aytilgan kishilarning kelishi shart bo'lgan. Uzrli sabab bilan kela olmay qolgan kishi hasharchilar uchun taom pishirib chiqaradi. Oilaviy hashar ko'pincha imoratni tiklash ishlarida qavm-qarindoshlar ishtirokida bajarilgan. Hashar mahalla va qishloq jamoa fuqarolarini birlashtiradi, ularni yelkadoshlikka, uyushqoqlikka da'vat etadi.

BILASIZMI?




Prezidentimizning 2018 yil 17 iyuldagi "O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Botanika instituti faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq, mazkur ilmiy muassasada:

- Botanika muzeyi;
- Noyob o'simliklar turlari kadastri va monitoringi laboratoriyasi;
- O'zbekiston floras laboratoriyasi tashkil etildi.

YOSHLIK ILHOMI

Qishning izg'irin kunlarida xiyobonga kelib, bir joyda turgancha, soatlab atrofni tomosha qilib o'tirishday tentaklikni faqat men qilsam kerak, deb o'ylardim. Adashgan ekanman. Xiyobondagi (allaqachon o'zimiznikiga aylangan) o'rindiqdagi qizni ko'rib avval hayratlandim, keyin bu olamda bittayu bitta junun emasligimni o'ylab, biroz quvondim ham. Nazarimda, kishini bu yerga faqat bir narsa yetaklashi mumkin — og'riqli xotiralari!

Mening bahorim



Aziz NUR, Respublika yosh ijodkorlar kengashi a'zosi

rim ko'p edi, faqat jur'at yetishmasdi. Uni avaylardim, ko'nglini timab qo'yishdan qo'rqardim...
O'sha kuni u juda xursand edi. O'ziga yarashadigan pushii paltonini kiyib olgandi.
— U mendan kechirim so'radi, — dedi o'tirar-o'tirmas.
— Kim? — kimligini bilsam ham so'radim. Ayni payt bu o'sha bo'lib chiqishni istamayotgan edim.
— U-da! Afsusda emish bo'lgan ishlardan.
— Yurak nima deyapti?
— Bilmadim. O'zim ham tushunolmayapman.
— Yuragingizga quloq tuting, u adashmaydi...
Ta'qdir men bilan o'ynashishni xush ko'radi, chog'i. Armon ustiga armon otib kulgan-kulgan. O'sha kuni angladim, yuragim allaqachonlar unga muhtoj bo'lib qolganini. Ehh... Unga boshqa so'z demadim, deylolmasdim ham.
Kunlar bahorga qarab talpinardi. Xiyobonga keluvchilar ham ko'payib qolgan, ammo xotiralarga to'la o'rindiq hamon bo'sh edi.
— Yo men senga, yo sen menga o'xshading. Yolg'iz va bag'ri bo'm-bo'sh!
O'tirdim. Umrimda birinchi marta atrofnii kuzatish zerikarli tuyuldi. Shu payt: — Bilasizmi nima...
O'timdan tanish ovoz eshitildi.
— Siz? Ketmadingizmi?! Xo'sh, nimani bilishim kerak?
— Hayot judayam qisqa...
— Tishingiz borida kulib qoling, shundaymi?
— Yo'ql Hayot judayam qisqa, uni kutishga sarfmaslik kerak.
U har doim kutilmagan gaplarni aytdi.
— Aytganingizday ko'ngilga quloq tutdim.
U shundoqqina yonimga o'tirdi.
— Ko'nglingiz nima dedi?
— Mening ismim Lola, — dedi u jilmayib...
Bahor yaqin edi. Ayniqsa, yuragingiz! Bu bizning bahorimiz edi, axir!

1 SAVOLGA 1 JAVOB

— O'zbekiston Milliy universiteti matematika fakultetining 3-bosqich talabasi. O'qish bilan birgalikda maktabda mutaxassislik fanimdan dars bersam bo'ladimi?

Jahongir QODIROV
Toshkent shahri

Savolga huquqshunos Sardor YUSUPOV javob beradi:

— "Xalq ta'limi xodimlari mehnatiga haq to'lash to'g'risida"gi nizomning 8-bandiga asosan, oliy ta'lim muassasasining faqat 4-kursida o'qiyotgan talabalar pedagogik

faoliyatni amalga oshirishi mumkin. Ularga o'rta maxsus, kasbiy ma'lumotga ega bo'lgan tegishli lavozimdagi xodimning bazaviy tarif stavkasi belgilanadi.

DILDAGI GAPLAR

ZAMONAVIY ROBINZONLAR

Kumush ABDUSALOMOVA

Poytaxt... Yo'l yoqalab reklama peshtaxtalari tur-naqator bo'lib tizilgan. Shulardan biri alohida e'tiborimni tortdi.
Katta suratda deraza yonida turgan qiz tasvirlangan. U nihoyatda xursand. Derazaning narigi tomonida esa, avtohalokatga uchragan mashinani ko'rish mumkin. Har joyidan olov sachrab turibdi. Surat chetida: "Akfa" romlari — shovqinsiz hayot degan yozuv bor. Ha, gap bu yoqda ekan-da — zamonaviy romlar ko'chadagi shovqinni ichkariga yo'latmaydi. Ammo, fikrimcha, bu oqibatsizlik, dunyoni suv bossa to'pig'iga chiqmaydigan odamlarning reklamasini.
Atrofdagi baxtsiz hodisalarga, birovning dardiga be'e'tibor bo'lish XXI asrda shunchalik oddiy hol bo'lib qoldimi? Ba'zi odamlar ko'zidagi loqaydlikni, "o'lib bo'lgan" oqibatni ko'rib bag'ridilim eziladi. Xuddi hammamiz Robinzon Kruzoddek orolda yolg'iz yashayotgandek. Qalbimiz o'sha kimsasiz oroldek huvillab qolgan. O'zimizdan bo'lak hech kim yo'q...
Qachonlardir quruqlik bir butun bo'lgan. Keyin qit'alar bo'linib ketgan. So'ng okeanlar paydo bo'lgan. Okeanlarning suvi — bag'ri tilka-pora bo'lgani uchun iztirob chekib, tinmay yig'layvergan momo Yerning ko'z yoshlarini eslatadi. Shuning uchun ham sho'r bo'lsa kerak. Peshonamiz sho'r bo'lib ketmasidan bir-birimizni qadrlash, mehr-oqibat ko'rsatishga odatlanaylik.

O'QING, BU QIZIQ!



Misr parlamenti ijtimoiy tarmoqlarda 5 mingdan ortiq obunachisi bo'lgan sahifa (kanal)larni ommaviy axborot vositasiga tenglashtiruvchi qonunni qabul qildi. Unga ko'ra, soxta va yolg'on xabar tarqatgan shaxslarning sahifasi yopib qo'yiladi, o'zlari esa, javobgarlikka tortiladi. Shuningdek, mamlakatda OAV faoliyatini muvofiqlashtirish bo'yicha Oliy kengash mavjud. U nomaqbul saytlarni bloklash va jarimaga tortish huquqiga ega.

Manba: Adliya vazirligining Huquqiy axborot kanali.

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.
Bosh muharrir
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHIRIR HAY'ATI
Kamoliddin Beknazarov, Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"); Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"); Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана").

Dizaynerlar
Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich
Norboyev Jamoliddin Jumanazar o'g'li
Navbatchi
Sanjar Eshmurodov

«YOSHLAR OVOZI» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
1 belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.
Indeks: 203, 3203
Baxos kelishgan narxda.
Buyurtma G-736
Adadi — 12955
Bosilishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 22.00
O'za yakuni — 21.43